РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

НАСИРОВ АБДУЛАЗИЗ АХМАТУЛЛАЕВИЧ

СУРУНКАЛИ БУЙРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИДА ГЕМОДИАЛИЗ ОЛИБ ДАВОЛАНГАН БЕМОРЛАРДА КЛИНИК-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА КОПИНГ-СТРАТЕГИЯСИ

19.00.04 – тиббий ва махсус психология
14.00.05 – ички касалликлар

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

УЎК: 616.61-008.64:615.38:159.9.072:159.944.4

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy dissertation (PhD)

Насиров Абдулазиз Ахматуллаевич
Сурункали буйрак етишмовчилигида
гемодиализ олиб даволанган беморларда
клиник-психологик хусусиятлари ва копинг-стратегияси…… 5

Насиров Абдулазиз Ахматуллаевич
Клинико-психологические особенности
и копинг-стратегии у больных
с хронической почечной недостаточностью,
получающих лечение гемодиализом..... 21

Nasirov Abdulaziz Ahmatullaevich
Clinical-psychological characteristics and
coping strategies in patients with chronic
kidney disease undergoing hemodialysis treatment..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works..... 44

РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

НАСИРОВ АБДУЛАЗИЗ АХМАТУЛЛАЕВИЧ

СУРУНКАЛИ БУЙРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИДА ГЕМОДИАЛИЗ ОЛИБ ДАВОЛАНГАН БЕМОРЛАРДА КЛИНИК-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА КОПИНГ-СТРАТЕГИЯСИ

19.00.04 – тиббий ва махсус психология
14.00.05 – ички касалликлар

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2021.1.PhD/Tib1845 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-сахифасида (www.sportmed.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Даминов Ботир Тургунпулатович** тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Абдуллаева Васила Каримбековна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Султанов Шохрух Хабибуллаевич** тиббиёт фанлари доктори, доцент
	Сабиров Максуд Атабаевич тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази**

Диссертация ҳимояси Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази ҳузуридаги PhD.10/30.12.2009.Tib.69.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2025 йил «30» декабр соат 14⁰⁰даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100027, Тошкент, Ботир Зокиров кўчаси 6-уй. Тел/факс: (+99871) 241-38-03; e-mail: medsport@gmail.com).

Диссертация билан Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (179 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100027, Тошкент, Ботир Зокиров кўчаси 6-уй. 3-қават мажлислар зали. Тел/факс: (+99871) 241-38-03; e-mail: medsport@gmail.com)

Диссертация автореферати 2025 йил «12» декабр
(2025 йил «12» декабр даги 193 рақами

Илмий даражалар бе
асосидаги бир марталик
тиббиёт фанлари доктори, профе

Д.Э.Махмудов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш котиби, тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

А.А.Хаджиметов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш кошидаги илмий семинар раиси, биология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Замонавий ташхислаш ва даволашда кенг қамровли технологиялар қўлланилишига қарамасдан сурункали буйрак касаллиги (СБК) нинг кечиши, даволаш ва айниқса беморларнинг психологик ҳолати бўйича муаммолар ўз ечимини етарлича топмаган. Ушбу касалликнинг полиэтиологик ҳусусиятга эгалиги, даволашдан олдин, ГД ўтказилиш жараёни ва ГДдан кейинги давр ўртасида оқсил, сув-электролит, минераллар алмашинуви, кислота-ишқор мувозанати, қоннинг таркибий ва миқдорий ўзгаришлари каби аксарият тафовудларнинг мавжудлиги организмда адаптацион жараёнларни мураккаб кечишига олиб келади. Шунинг учун СБК бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимининг муҳим тиббий-ижтимоий муаммоларидан бўлиб келмоқда. Шунингдек сўнгги пайтларда касалликнинг кўп учраши, қисқа вақт мобайнида оғир ўзгаришларнинг ривожланиши натижасида аъзо етишмовчилигига вужудга келиши ёки ГД ўтказишга, ёки буйрак трансплантациясини амалга оширишни тақозо этади.

Жаҳонда СБКнинг тарқалиши ўртача 10 дан 20%гача кузатилмоқда. Айниқса, СБК ривожланиб бориши оқибатида беморларнинг руҳий ҳолати ва ҳаёт сифати кескин ўзгариб бориши кузатилади. Бунга сабаб беморни доимий равишда дори воситаларини қабул қилиши, кейинчалик эса касалликнинг терминал босқичларида ГД ва буйрак трансплантациясини амалга оширилиши лозимлигидир. Шундай экан соха мутахассисларининг асосий мақсади сурункали буйрак етишмовчилиги (СБЕ) нинг патогенетик бўғинларини ҳар хил йўллар билан коррекция қилиб, жараённи авж олишини секинлаштириш, шунингдек, бемор ҳаёт сифатини яхшилаш ва умрини узайтиришдан иборат. Шунинг учун СБКнинг турли босқичларида руҳий ҳолати, кечиши ва қўлланилган дори воситаларининг самарадорлигини ҳамда даволашни беморларнинг руҳий ҳолати ва ҳаёт сифатига таъсирини баҳолаш каби бир қатор объектив ва субъектив асосларни мувофиқлаштирган ҳолда беморларга психологик ёндошувларни муқобиллаштириш бўйича илмий изланишларни олиб боришни лозим ҳисобланади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббиётни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолининг ижтимоий ҳимоялашга қаратилган қатор вазифалар белгиланган «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ҳамда диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»[1] каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

турли даражадаги СБКни, ташхислаш ва даволашда тиббий хизмат кўрсатишни янги босқичга кўтариш ҳамдасифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали касалликлар асоратлари натижасида юзага келадиган ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590–сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. СБКнинг бир қатор патогенетик бўғинлари кенг салмоқли ўрганилган ва самарали коррекция қилинмоқда, лекин хорижий тадқиқотларининг маълумотлари бўйича сурункали буйрак етишмовчилиги (СБЕ) дунёнинг кўплаб мамлакатларида касалланиш ва аҳоли ўлими кўрсаткичи анча юқори бўлган касалликлар гуруҳига киради, бу маълумотнинг юқори ижтимоий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. (C.Depasquale, ML.Pistorio, D.Corona, A.Mistretta, D.Zerbo, N.Sinagra, A.Giaquinta, T.Tallarita, B.Esker, D.Mociskyte, A.Leonardi, R.Gula, P.Veroux, M.Veroux, 2018). Ҳозирги кунда анча мукаммаллашган диализ технологиялари ва медикаментоз коррекциялаш усулларини тадбиқ қилиш беморлар ҳаёти давомийлигининг сезиларли ортишига, сурункали гемодиализ (СГД) усули билан ёрдамчи даволанишни ва гемодиафильтрацияни (ГДФ) олаётган кекса ва қари ёшдаги шахслар сони популяцияси ўсишига олиб келади, бу беморларнинг руҳий ҳолати масаласи кундан-кунга долзарб бўлиб бормоқда. Ёрдамчи даволанишни талаб қилувчи терминал босқичдаги СБЕнинг кўп тарқалганлиги меҳнатга лаёқатли ёшдаги беморларда кўпинча ушбу тоифа беморларида руҳий бузилиш ва комплаенс муаммоси муаммосини илгари суради (C.Depasquale, M.I.Pistorio, D.Corona, 2012).

Сурункали буйрак етишмовчилиги бўлган беморларнинг клиник-психологик хусусиятлари ва копинг-стратегияларини ўрганиш МДҲ давлатларида кенг кўламда олиб борилмоқда. Россия олимлари томонидан гемодиализ олаётган беморларнинг психологик ҳолати ва ҳаёт сифатини баҳолаш бўйича фундаментал тадқиқотлар амалга оширилган (А.В.Смирнов, В.А.Добронравов, 2018; Е.М.Шилов, Н.Л.Козловская, 2019). Украина

олимлари сурункали буйрак касаллиги бўлган беморларда депрессив бузилишлар ва ташвиш ҳолатларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратганлар (М.О.Колесник, Н.М.Степанова, 2020; И.О.Дудар, 2019). Беларусь тадқиқотчилари гемодиализ даврида беморларнинг ижтимоий мослашуви ва копинг-механизмларини таҳлил қилишган (В.С.Мойсеев, Ж.Д.Кобалава, 2018). Қозоғистон олимлари буйрак трансплантацияси олдидаги беморларнинг психологик тайёргарлиги масалаларини ўрганганлар (Ж.А.Сулейменов, Н.С.Нургалиев, 2019). Ушбу тадқиқотлар гемодиализ олаётган беморларда психологик дистресс, ташвиш ва депрессия белгиларининг юқори даражада учрашини кўрсатган. МДҲ мамлакатларида олиб борилган тадқиқотлар беморларнинг ҳаёт сифати ва психологик мослашувини яхшилашда комплекс ёндашувнинг зарурлигини исботлаган (М.В.Шестакова, И.И.Дедов, 2020).

Ўзбекистон Республикасида сурункали буйрак етишмовчилиги бўлган беморларнинг клиник-психологик жиҳатларини ўрганиш йўналиши нисбатан янги соҳа ҳисобланади. Маҳаллий олимлар томонидан гемодиализ олаётган беморларнинг соматик ҳолатини баҳолаш бўйича бир қатор ишлар бажарилган (М.Д.Джураев, Д.А.Хакимова, 2019; У.Р.Рахимов, 2020). Нефрология соҳасида ишлаётган мутахассислар беморларнинг лаборатор кўрсаткичлари ва клиник кечишини таҳлил қилишга асосий эътиборни қаратганлар (А.А.Абдуллаев, М.И.Каримов, 2018). Психологик жиҳатлар ва копинг-стратегияларни ўрганиш бўйича махсус тадқиқотлар деярли олиб борилмаган (С.И.Исмоилов, 2019). Республикамизда гемодиализ марказлари сонининг ошиши ва беморлар сонининг кўпайиши муаммонинг долзарблигини янада оширмоқда. Беморларнинг психологик ҳолати ва ҳаёт сифатини яхшилаш масалалари амалий соғлиқни сақлаш тизими учун муҳим аҳамият касб этади (А.Н.Нарзуллаев, М.М.Абдурахмонов, 2020). Шу сабабли, мазкур соҳада кенг қамровли тадқиқотлар олиб бориш зарурати мавжуд.

Бизнинг тадқиқотларимиз давомида биз ХБК (сурункали буйрак касаллиги) билан оғриган беморларнинг диализ даврларидаги психоэмоционал ҳолатини баҳолаш даволаш самарадорлигининг энг муҳим омили эканлигига хулоса келдик.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий тадқиқот режалари «Сурункали буйрак касаллигида функционал-метаболик бузилишларнинг клиник-патогенетик жихатлари ва авж олишининг терапиясини муқобиллаштириш» (2019-2024 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сурункали буйрак касаллигининг диализ босқичларида клиник ва психологик тавсифидан келиб чиқиб беморларнинг психологик тавсифи ва копинг-стратегияни баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сурункали буйрак касаллигида диализ олаётган беморларнинг буйрак фаолияти кўрсаткичларини кузатиш ва уни турли босқичларда таҳлил қилиш;

гемодиализ даволанишини олаётган, сурункали буйрак етишмовчилиги бўлган беморларнинг клиник - психологик тавсифи таҳлилини ўтказиш.

гемодиализ билан даволанаётган, сурункали буйрак етишмовчилиги бўлган беморларнинг психологик характери ва копинг-стратегияни танлашдаги ўзаро боғлиқликни аниқлаш.

гемодиализ билан даволанаётган, сурункали буйрак етишмовчилиги бўлган беморларнинг руҳий мослашиш ва ижтимоий реабилитациясини яхшилаш бўйича алгоритм ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2020-2023 йилларда Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт марказида даволанган 123 нафар сурункали буйрак касаллигининг III-босқичи (n-63) ҳамда IV босқичи (n-60) бўлган беморлар – асосий гуруҳ сифатида олинган, шунингдек, 20 нафар кўнгилли соғлом шахслар назорат гуруҳи сифатида олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб буйрак фаолияти, мочевина, креатинин ва коптокчалар фильтрацияси тезлиги (КФТ), умумий сийдик таҳлили материаллари, беморларнинг психологик характери ва копинг-стратегия, уларнинг руҳий ҳолати ҳамда ҳаёт сифати кўрсаткичлари баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда клиник, биокимёвий, инструментал, психодиагностик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сурункали буйрак касаллигининг турли босқичларида буйрак фаолияти кўрсаткичлари, яъни қонда мочевина, креатинин ва улар асосида хисобланган коптокчалар фильтрациясии тезлиги каби лаборатор, шунингдек, беморларнинг руҳий ҳолати ва ҳаёт сифати кўрсаткичларни баҳолаш каби субъектив мезонлар билан таққосланиб улар орасида узвий боғлиқлик борлиги исботланган;

гемодиализ даволанишини олаётган, сурункали буйрак етишмовчилиги бўлган беморларнинг клиник - психологик тавсифи таҳлили натижасида касалликнинг турли босқичларида даволашнинг буйрак фаолиятига, ҳамда индивидуал психологик ёндошувнинг беморларнинг руҳий ҳолати ва ҳаёт сифати кўрсаткичларига ижобий таъсири исботланган;

сурункали буйрак касаллиги мавжуд беморларни диализ олди даврларида беморларнинг шахсий характерига хос хусусиятлари, асосий хулқи стратегиясини аниқлаш руҳий ҳолати ҳамда ҳаёт сифати кўрсаткичларни баҳолаш натижасида беморларни диализгача бўлган даврини узайтиришга, яъни диализга муҳтож беморлар сони камайиши исботланган;

гемодиализ билан даволанаётган, сурункали буйрак касаллигининг турли босқичларида ҳаёт сифатини таққослама кузатув асосида даволашнинг самарадорлигини, беморларнинг руҳий ҳолати ва ҳаёт сифатига таъсирини баҳолаш каби бир қатор объектив ва субъектив асосларни номутаносиблигини мувофиқлаштирган ҳолда беморларнинг руҳий

мослашиш ва ижтимоий реабилитациясини яхшилаш бўйича алгоритм яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат**:**

сурункали буйрак касаллигининг диализ босқичларида беморлар холати, кечиши, ташхислаш ва даволаш усулларининг самарадорлигига ҳар бир босқичида алоҳида-алоҳида самарадорлиги таққосланиб асосланган;

сурункали буйрак касаллигининг турли босқичларида касалликнинг кечишини буйрак фаолияти кўрсаткичлари каби мезонлар баҳоланган;

сурункали буйрак касаллигининг диализ давридаги беморларнинг психологик характери ва копинг-стратегия, шунингдек диализга мухтож беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, беморлар сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, биокимиёвий, инструментал, психологик копинг стратегия ва статистик усуллар асосида сурункали буйрак касаллиги билан хасталанган беморларда руҳий ҳолатини баҳолаш билан даволашни муқобиллаштиришнинг ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар натижалари билан таққосланган, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий ахамияти шундан иборатки, СБКда буйрак фаолияти кўрсаткичлари, клиник - психологик тавсифи таҳлили натижасида касалликнинг турли босқичларида даволашнинг буйрак фаолиятига, ҳамда индивидуал психологик ёндошувнинг беморларнинг руҳий ҳолати ва ҳаёт сифати кўрсаткичларига ижобий таъсири самардорлиги исботланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий ахамияти шундан иборатки, олинган натижалар асосида ишлаб чиқарилган амалий тавсияларнинг бажарилиши СБКнинг диализ босқичларида беморларга индивидуал психологик ёндошувларни муқобиллаштириш ва беморларнинг руҳий ҳолати ҳамда ҳаёт сифати кўрсаткичларни яхшиланиши, шунингдек диализга мухтож беморлар сонини камайиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сурункали буйрак етишмовчилигида гемодиализ олиб даволанган беморларда клиник-психологик хусусиятлари ва копинг-стратегияси бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

биринчи илмий янгилик: сурункали буйрак касаллигининг турли босқичларида буйрак фаолияти кўрсаткичлари, яъни қонда мочевина, креатинин ва улар асосида хисобланган коптокчалар фильтрациясии тезлиги каби лаборатор, шунингдек, беморларнинг руҳий ҳолати ва ҳаёт сифати кўрсаткичларни баҳолаш каби субъектив мезонлар билан таққосланиб улар орасида узвий боғлиқлик борлиги исботланганлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 22 августдаги 8н-р/888-сон

хулосаси билан тасдиқланган «Гемодиализ оладиган, сурункали буйрак етишмовчилиги бўлган беморлар ҳаёт сифатини баҳолашнинг мослаштирилган сўровномаси» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Сурхондарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2022 йил 21 ноябрдаги №166 сонли буйруғи, Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм филиалининг 2022 йил 12 декабрдаги №132-сонли буйруғи билан клиник амалиётга жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 10 декабрдаги №10/14-сон хулосаси) *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги*: олинган маълумотлар СБКларида беморларда клиник лаборатор кўрсаткичларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда беморларнинг руҳий ҳолати ва ҳаёт сифатини ўрганиб бориш даволаш ва профилактик чора-тадбирлар сифатини яхшилайди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги*: клиник – психологик ҳолатни тўғри баҳолаш натижасида беморларнинг аксариятини жамиятдаги эгаллаб турган позициясига қайтиши иқтисодий фойдали бўлади. *Хулоса:* Сурункали буйрак касалликлар билан оғриган беморларда эрта диагностика қилиш ҳамда даволашда психологик ёндошувлар бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни иқтисод қилиш имконини берган;

Иккинчи илмий янгилик: гемодиализ даволанишини олаётган, сурункали буйрак етишмовчилиги бўлган беморларнинг клиник - психологик тавсифи таҳлили натижасида касалликнинг турли босқичларида даволашнинг буйрак фаолиятига, ҳамда индивидуал психологик ёндошувнинг беморларнинг руҳий ҳолати ва ҳаёт сифати кўрсаткичларига ижобий таъсири исботланганлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 22 августдаги 8н-р/888-сон хулосаси билан тасдиқланган «Гемодиализ оладиган, сурункали буйрак етишмовчилиги бўлган беморлар ҳаёт сифатини баҳолашнинг мослаштирилган сўровномаси» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Сурхондарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2022 йил 21 ноябрдаги №166 сонли буйруғи, Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм филиалининг 2022 йил 12 декабрдаги №132-сонли буйруғи билан клиник амалиётга жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 10 декабрдаги №10/14-сон хулосаси) *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги*: олинган маълумотлар СБКларида беморларда клиник лаборатор кўрсаткичларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда беморларнинг руҳий ҳолати ва ҳаёт сифатини ўрганиб бориш даволаш ва профилактик чора-тадбирлар сифатини яхшилайди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги*: клиник – психологик ҳолатни тўғри баҳолаш натижасида беморларнинг аксариятини жамиятдаги эгаллаб турган позициясига қайтиши иқтисодий фойдали бўлади. *Хулоса:* Сурункали буйрак касалликлар билан оғриган беморларда эрта диагностика қилиш ҳамда даволашда психологик ёндошувлар бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни иқтисод қилиш имконини берган;

Учинчи илмий янгилик: сурункали буйрак касаллиги мавжуд беморларни диализ олди даврларида беморларнинг шахсий характерига хос

хусусиятлари, асосий хулқи стратегиясини аниқлаш руҳий ҳолати ҳамда ҳаёт сифати кўрсаткичларни баҳолаш натижасида беморларни диализгача бўлган даврини узайтиришга, яъни диализга муҳтож беморлар сони камайиши исботланганлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 22 августдаги 8н-р/888-сон хулосаси билан тасдиқланган «Гемодиализ оладиган, сурункали буйрак етишмовчилиги бўлган беморлар ҳаёт сифатини баҳолашнинг мослаштирилган сўровномаси» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Сурхондарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2022 йил 21 ноябрдаги №166 сонли буйруғи, Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм филиалининг 2022 йил 12 декабрдаги №132-сонли буйруғи билан клиник амалиётга жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 10 декабрдаги №10/14-сон хулосаси) *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги*: олинган маълумотлар СБКларида беморларда клиник лаборатор кўрсаткичларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда беморларнинг руҳий ҳолати ва ҳаёт сифатини ўрганиб бориш даволаш ва профилактик чора-тадбирлар сифатини яхшилайди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги*: клиник – психологик ҳолатни тўғри баҳолаш натижасида беморларнинг аксариятини жамиятдаги эгаллаб турган позициясига қайтиши иқтисодий фойдали бўлади. *Хулоса:* Сурункали буйрак касалликлар билан оғриган беморларда эрта диагностика қилиш ҳамда даволашда психологик ёндошувлар бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни иқтисод қилиш имконини берган;

Тўртинчи илмий янгилик: гемодиализ билан даволанаётган, сурункали буйрак касаллигининг турли босқичларида ҳаёт сифатини таққослама кузатув асосида даволашнинг самарадорлигини, беморларнинг руҳий ҳолати ва ҳаёт сифатига таъсирини баҳолаш каби бир қатор объектив ва субъектив асосларни номутаносиблигини мувофиқлаштирган ҳолда беморларнинг руҳий мослашиш ва ижтимоий реабилитациясини яхшилаш бўйича алгоритм ишлаб чиқилган ва амалиётга тадбиқ қилинганлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 22 августдаги 8н-р/888-сон хулосаси билан тасдиқланган «Гемодиализ оладиган, сурункали буйрак етишмовчилиги бўлган беморлар ҳаёт сифатини баҳолашнинг мослаштирилган сўровномаси» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Сурхондарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2022 йил 21 ноябрдаги №166 сонли буйруғи, Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм филиалининг 2022 йил 12 декабрдаги №132-сонли буйруғи билан клиник амалиётга жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 10 декабрдаги №10/14-сон хулосаси). *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги*: алгоритмни қўллаш СБКларида беморларда клиник лаборатор кўрсаткичларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда беморларнинг руҳий ҳолати ва ҳаёт сифатини ўрганиб бориш даволаш ва профилактик чора-тадбирлар сифатини яхшилайди. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги*: клиник – психологик ҳолатни тўғри баҳолаш натижасида беморларнинг аксариятини жамиятдаги эгаллаб турган позициясига

қайтиши иқтисодий фойдали бўлади. *Хулоса:* Сурункали буйрак касалликлар билан оғриган беморларда эрта диагностика қилиш ҳамда даволашда психологик ёндошувлар бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманларда муҳокома қилинган, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 107 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари аниқ шакллантирилган, объект ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва техника ривожланишининг истиқболли йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, ишнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини жорий этиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Сурункали буйрак етишмовчилигида гемодиализнинг беморлар психологияси ва ҳаёт сифатига таъсири: замонавий назарий ва амалий ёндашувлар (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи бобида ўрганилаётган муаммонинг замонавий ҳолатига бағишланган адабиётлар таҳлили келтирилган. Ушбу бобда Сурункали буйрак етишмовчилигининг этиопатогенези, ташхислаш ва даволашнинг ўрганилиш ҳолатларини эрта аниқлашдаги аҳамияти кўриб чиқилган. Таҳлилда Касалликларда беморлар ҳаёт сифатини ўрганиш масалаларининг хусусиятлари, учраш частотаси ва ўзига хос кўринишлари тўғрисидаги маълумотлар кенг ёритилган. Ҳаёт сифати ва ўринбосар буйрак терапияси турининг ўзаро муносабатлари ҳолатларининг аҳамияти ва уларнинг эрта ташхис қўйишдаги роли ҳақида таҳлилий маълумотлар келтирилган. Муаммонинг ҳозирги ҳолатини танқидий таҳлил қилиш, шу жумладан географик, иқлим ва ижтимоий омилларга қараб буйракни ўринбосар терапиясини олган беморларнинг ҳаёт сифатига таъсир қилувчи омиллар ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар тақдим этилган. Сурункали буйрак касалликларини ташхислаш ва даволашга комплекс ёндашувларни ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланган, бу эса ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамиятини белгилаб, янада чуқурроқ ўрганишни талаб қилади.

Диссертациянинг “**ГД буюрилган беморларнинг клиник-психологик жиҳатларини ўрганишнинг методологик таҳлили**” деб номланган

иккинчи бобида СБК билан касалланган беморларнинг клиник-психологик таҳлилига асосланган маълумотлар тақдим этилган. Тадқиқот асосига сурункали буйрак етишмовчилигидан Республика Ихтисослаштирилган Илмий-амалий Гемодиализ тиббиёт марказида гемодиализ билан даво олаётган 80 нафар беморнинг текширув натижалари олинган, Марказлашган гемодиализ давосини олаётган 80 нафар бемор текширилган (даволаниш давомийлиги-45,2 +-17,6 ой), улардан 42 нафар бемор ГДга мослашиш босқичида, 38 нафар бемор мўътадил ГД босқичида бўлган. Дастурий ГД тўлиқ компьютерлашган индивидуал мониторларда амалга оширилди. Паст оқимли диализ ўтказилди (тахминан 300 мл/мин қон оқими билан) , сеанснинг давомийлиги 5-6 соат ва сеанслар такрорийлиги хафтасига 3 марта. Даволаш «Althin», «Gambro-Ak10» фирмасининг "сунъий буйрак" аппаратларида капиляр диализаторлар, бикарбонат диализловчи эритма ва сувни тозалаш тизимини қўллаган ҳолда амалга оширилди.

Сурункали буйрак етишмовчилиги ташхиси МКБ-10 нинг диагностик мезонларига мос равишда верификация қилинди. Клиник ва ижтимоий психологлар билан ҳамкорликда психиатрия кафедраси ходимлари томонидан яратилган, махсус ишлаб чиқилган текширув картаси-ташвишли бузилишларнинг оғирлик даражаси ва шахсга хос хусусиятларни ҳисобга олган нефрологик йўналишдаги касалликлар шаклланишининг хавф омилларини аниқлаш учун психологик тест-саволлар рўйхатини ўз ичига олади.

Шахснинг психологик хусусиятларини ташхислаш учун К.Лонгард, Г.Шмишека сўровномасидан фойдаланилди, ташвишланиш даражасини аниқлаш учун эса Ч.Д.Спилбергер- Ю.Л.Ханиннинг "Реактив (ситуатив) ва шахсий ташвишланиш шкаласи" дан фойдаланилди. Психологик ҳимоя механизмларини ўрганиш учун (ПҲМ) Келлерман-Плутчекнинг- "Ҳаёт тарзи индекси" ҳамда стрессни бошқарувчи хулқ ва руҳий таъсирланиш хусусиятларининг ифодаланишини баҳолаш учун "Копинг-стратегиялар" сўровномаси эксперимental- психологик методлари билан биргаликда клиник-психопатологик усулдан фойдаланилди. Kidney Disease Quality of Life Short Form (KDQOL-SFTM) сўровномаси ёрдамида диализдаги беморларнинг ҳаёт сифатини ҳар томонлама баҳолаш ўрганилди.Тадқиқот материалларига статистик ишлов бериш Microsoft Excel 2019 дастурининг автоматлаштирилган пакетлари ёрдамида амалга оширилди, бунда ўртача арифметик қиймат (М), ўртача стандарт хатолик (μ), ўртача квадратик оғиш (б), нисбий катталиклар (касалланиш %), Стюдент мезони (т) ҳисобланди. Ўртача қийматларнинг қиёсий фарқлари P<0,05 бўлганда статистик жиҳатдан аҳамиятли деб топилган.

Илмий тадқиқотларда олинган рақамли натижаларга "Статистика-10" дастури ёрдамида статистик ишлов берилди. Статистик маълумотлар ва барча жадвал маълумотлари математик таҳлилдан ўтказилди. Олинган маълумотларнинг кўргазмалилигини ошириш учун гистограммалардан фойдаланган ҳолда график таҳлил ўтказилган.

Диссертациянинг "**Сурункали буйрак касаллигида беморларнинг клиник ва психологик маълумотлари тахлили**" деб номланган учинчи бобида СБК билан даволанаётган беморларнинг анамнестик маълумотлари

ҳамда касалликнинг клиник жиҳатлари илмий тахлил натижалари баён қилинган.

Шахс типини белгилаш мақсадида Леонгард-Шмишекнинг шахс акцентуациясини аниқлаш саволнома бўйича тестдан фойдаланилади. Шунингдек шахсий тавсифларни баҳолаш уларни узоқ вақт кузатиш жараёнида ва беморлар билан клиник-психопатологик усул билан суҳбат ўтказиш асосида амалга оширилди. Шахсга оид хусусиятлар орасида тўплашга, фожиалаштиришга мойиллик, экстра-ва интерсигналларга гиперсензитивлик, ҳатто аниқ стресс манбалари мавжуд бўлмаса ҳам айбдорлик ҳисси, нафрат, ташвишни ҳис қилишга мойиллик, касалликка оид қайғуришнинг фойдалилиги. Типологик жиҳатдан бу хусусиятлар қуйидаги акцентуациялар доирасида ажратилди (Леонгард-Шмишек бўйича): демонстратив, сензитив, эмотив, дистимик, қўзҳалган ва педантик.

1-жадвал

Сурункали буйрак касалликларининг клиник босқичларига қараб беморлар характер акцентурациясининг типлари


Характер акцентуациясининг типи	СБК **клиник босқичлари**							
	3-босқич		**4-босқич**		**5-босқич**		**Жами**	
	Абс.	**%**	**Абс.**	**%**	**Абс.**	**%**	**Абс.**	**%**
Сензитив	9	24,3	2	5,8	**1**	**2,6**	**12**	**10,9**
Демонстратив	4	10,8	1	2,9	**3**	7,7	8	7,3
Эмотив	10	27,1	8	23,5	**6**	15,4	24	21,8
Дистимик	6	16,2	13	38,2	**12**	30,8	31	28,2
Педиантик	5	13,5	9	26,5	**4**	10,3	18	16,4
Қўзғалган	3	8,1	1	2,9	**13**	33,3	17	15,5
Жами	**37**	**100,0**	**34**	**100,0**	**39**	100,0	110	100,0

Изоҳ: фарқлар ишончлилиги p <0,045.

1-жадвал маълумотларга мос равишда аниқландики, $СБК_4$ босқичи ташхис қўйилган беморлар гуруҳидан (5,8%; p <0,04) фарқли ҳолда, сензитив характерли $СБК_3$ ташхиси қўйилган беморлар гуруҳи статистик аниқлик билан кўпчиликни ташкил қилди (24,3%).

Акцентуациянинг дистимик типи бўлган шахслар $СБК_4$ (38,2%) ва $СБК_5$ (44,5%) босқичидаги беморлар орасида анча кўп рўйхатга олинди, бу бузилишларга айниқса саросимага тушиб қолиш, ташвишли ва депроссив бузилишлар қўшилган ҳолатда кўп учради. Характернинг қўзғолган акцентуацияси $СБК_5$ босқичи гуруҳида кўпчиликни ташкил қилди-кузатувнинг 55,5% ҳолатларида, бу сурункали буйрак отишмовчилигининг бемор шахси преморбид ўзгаришларига таъсири ҳақида гувоҳлик беради. Текширилаётган беморларнинг умумий танловида яна эмотив, сензитив ва дистимик характердаги шахсларнинг кўплиги аниқланди, кам даражада характернинг демонстратив акцентуацияси қайд этилди. Олинган натижалар дистимик, сензитив ва эмотив типли характерга эга беморларни буйракнинг сурункали касалликларининг ривожланиш бўйича хавф гуруҳига киритишга имкон яратди ва шахснинг характерига хос хусусиятлари, турмуш тарзи,

озиқланиш тартибининг бузилиш, шифокорлар кўрсатмаларига амал қилмаслик сабабли буйрак етишмовчилигининг шаклланишига олиб келди.



2-расм. Сурункали буйрак етишмовчилигининг оғирлик даражасига нисбатан шахс хусусиятларининг тахлили

Олинган маълумотлар таҳлили, 2-расмда кўринганидек, дистимик (44,5%) ва таъсирланган (55,5%) характерга эга шахслар сурункали буйрак етишмовчилигининг бешинчи босқичи билан касалланишга кўпроқ мойил, эмотив (27,1%) ва сенситив типли шахслар (24,3%) да сурункали буйрак етишмовчилигининг 3-босқичи қайд этилди. Таъкидлаш керакки, демокстратив характерга эга беморларнинг шахсий хусусиятлари ва ўз саломатлигига эҳтиётkорона ҳамда анча талабчан муносабатда бўлишлари сабабли (эгоизм ва эгоцентризга интилиш бу ҳолатда ижобий жиҳатга эга) сурункали буйрак етишмовчилиги шаклланишига камроқ мойиллар.

Спилбергер – Ханик шкаласи ёрдамида реактив ва шахсий ташвишланишни ўрганишда аниқландики, нефрологик йўналиш беморлари реактив ташвишланишнинг ўрта даражаси шаклланиши, тушкунликнинг ифодаланиши ва анча чуқур даражадаги шахсий ташвишланиш ривожланишининг ифодаланишига мойил. Шахсий ташвишланишнинг намоён бўлиши СБК$_5$ ва СБК$_4$ беморларда СБК$_3$ босқичидаги беморлардан фарқли ҳолда аниқ даражада жадалроқ бўлди. ($p < 0,05$). Шу пайтнинг ўзида реактив (ситуатив) ташвишланиш ифодаланишининг максимал кўрсаткичлари СБК$_5$ да аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

Сурункали буйрак етишмовчилигининг оғирлик даражсига боғлиқ ҳолда Спилбергер – Ханик шкаласида ташвишланиш даражасини ўрганиш

Ташвиш тури	СБК **клиник босқичлари**		
	3-босқич	4-босқич	5-босқич
Реактив ташвишланиш	32,4 ± 5,4	38,4 ± 3,9	42,4 ± 4,2*
Шахсга оид ташвишланиши	31,3 ± 5,4	49,7 ± 5,3*	55,6 ± 6,2*

*Изоҳ:** - ишончлилик қиймати p<0,05

Олинган текширув натижаларини гуруҳлараро таҳлил қилиб тахмин қилиш мумкин, клиник-динамик аспектда сурункали буйрак етишмовчилигининг клиник намоён бўлиши оғирлашишини беморларнинг шахсий ва реактив ташвишланишининг ортиши кучайтиради.

Нефрологик йўналишдаги касалликлар ривожланиш хавфининг ижтимоий–психологик предикторларини аниқлаш, уни клиник расмийлаштириш ва прогнозлаш учун биз $СБК_3$, $СБК_4$, ва $СБК_5$,- касалликларининг оғирлик даражасига боғлиқ ҳолда учта гуруҳ беморлари орасида психологик ҳимоя механизми (ПҲМ) структурасини ўргандик. Бу сурункали буйрак етишмовчилиги бўлган беморларда психологик ҳимоя механизмларининг юқори зўриқиш даражасини кўрсатди. (Плутчик, келлерман, конта тестига мос равшда – ҳаёт тарзи индекси методикаси).

Ҳамма шакллар бўйича умумий баҳоланган юқори баллар қайт этилди ($СБК_3$-55,89; $СБК_4$-56,52; $СБК_5$-54,75), бунда инкор қилиш, босим ва регессия типи бўйича устун турувчи механизм етакчи бўлди. (3-жадвал).

3-жадвал

Сурункали буйрак етишмовчилиги бўлган беморларда психологик ҳимоя механизмлари

Психологик ҳимоя механимлари	СБК **клиник босқичлари**		
	3-босқич	**4-босқич**	**5-босқич**
	M± С.оғ.	M± С.оғ.	M± С.оғ.
Инкор қилиш	8,01±0,31	8,15±0,37	9,12±0,35
Босим	8,62±0,36*	7,98±0,36	6,22±0,31*
Регрессия	7,55±0,37	8,97±0,43**	7,31 ±0,39**
Компенсация	6,91± 0,38*	6,57±0,31	5,06±0,27*
Проекция	6,73±0,36	6,49±0,37	7,88±0,41
Ўрнини эгаллаш	5,33±0,39*	6,34±0,59	7,68±0,48*
Интеллектуализация	6,01±0,35	6,87±0,44	6,97±0,39
Реактив ҳолсил бўлиш	6,73±0,38*	5,15±0,37	4,51±0,31*
Босимнинг (зўриқишнинг) умуий даражаси	55,89±4,23	56,52±4,26	54,75±4,15

*Изоҳ: * – $СБК_3$ ва $СБК_5$ гуруҳлари орасидаги фарқлар аниқлиги p<0,05;** – $СБК_4$ ва $СБК_5$ гуруҳлари орасидаги фарқлар аниқлиги p<0,05;M – ҳар бир гуруҳдаги ўртача қиймат; С. оғ. – стандард оғишлар.*

Инкор қилиш типи бўйича ҳимоя механизми ўзининг реал ҳолати ҳақида маълумотларни ва эҳтимолий буйрак етишмовчилиги шаклланиши ҳақидаги эҳтимолий тасаввурларни блоклаш мақсадида ҳамма текширув гуруҳларида қўлланилади. Инкор қилиш атрофдагилар уни ўзларига индивидга хос бўлган ҳамма усуллар билан жалб қилиб, шу жумладан нефрологик контент шикоятлари билан ҳам инфантил ўзгаришларни позитив эътибор билан йўқ қилишни назарга тутади.

Юқори регрессия шахсга оид реакцияларнинг инфантиллиги ҳақида, мутелик хулқи, ёрдам ва қўллаб-қувватлашни ташқаридан олишга ўрганилганини кўрсатади, уларнинг кўпчилиги паст ижтимоий адаптацияга эга эканлиги билан ажралиб туради. Регрессия бўйича юқори баллар касалхонада бўлиш ҳолатининг ўзи билан ҳам чақирилиши мумкин.

Босимнинг ортиши ташвишланувчи маълумотлардан қочишга интилиш билан мос келди. Қўрқувни блоклаш улар билан ассоциатив боғлиқ реал стимул, далил ва ҳолатларни унутиш йўли билан амалга ошди.

